

Британия Консерватив партиясининг антиисломий қарашдаги вакилларининг партияга аъзолиги вақтинча тўхтатилди



11:30 / 09.07.2019 1990

Буюк Британиядаги Консервативлар партияси мамлакатнинг ТВ-4 телеканалдаги «Dispatches» дастурида антиисломий фикрлар билдирган айрим вакилларининг партияга аъзолик мандатини вақтинча тўхтатиб қўйган. Маълум бўлишича, партия аъзоларининг телеканалда айтган фикрлари Facebook ижтимоий тармоғида тарқалиб кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ва натижада партия шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлган. Бу ҳақда Yahoo newsga таяниб, iqna ахборот сайти хабар беради.

Фикр билдирганлар асосан исломофоб қарашдаги Борис Жонсон ва бош вазирнинг яқинлари экани маълум бўлган. Жумладан улардан бири «Мен мусулмонларни Европага кириб келишини тақиқлаб қўяман» деган бўлса, бошқаси «оёқ кийимига пул тополмаслик бу ислом белгиси» деган ҳақоратомўз гапларни айтган.

Айтиб ўтиш лозимки, партиянинг собиқ раҳбари Бронсон Верси партия аъзоларини исломофобия бўйича текширувдан ўтказишни маслаҳат берган эди. Амалдаги Бош вазир собиқ вазир Тереза Мейни бу ишга жиддий

кирмаганликда айблади. Хуллас, партия бош қароргоҳи телеканалнинг ушбу дастурига ўз муносабатини билдириб: «Бу дастурда қатнашган партиямиз вакилларининг партияга аъзолиги суриштирувларга қадар тўхтатилади» деб баёнот берган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**